

**Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тижорат Халқ банки
Кенгашининг
2020 йил “22” январдаги
3 - сонли мажлис баёни билан**

ТАСДИҚЛАНГАН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ**

(янги таҳрири)

Тошкент – 2020 йил

I. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР (ҚОИДАЛАР)

1. Мазкур сиёсат Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги:

- “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун;
- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун;
- “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун;
- “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 943, 05.07.2000 й.);
- “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2693, 06.07.2015 й.);
- “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари” (рўйхат рақами 2000, 30.08.2009 й.) ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган.

2. Дивиденд сиёсати – молиявий йил давомида шакллантирилган соф фойдадан фойдаланиш ва тақсимлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки (кейинги ўринларда “Банк”) сиёсатидир. Ушбу сиёсат дивиденд тўловлари миқдорини аниқлашда банк ва унинг акциядорлари манфаатларини мувофиқлаштиришга асосланган. Мазкур сиёсат Банкнинг муомалага чиқарилган акцияларининг номинал қийматини ошириш, уларнинг инвестицион жозибадорлигини кўтариш ва банкнинг капиталлашуви даражасини ошириб бориш йўли билан акциядорлар моддий фаровонлигини кўпайтиришга қаратилган.

3. Ушбу сиёсат Банк акциядорларига дивидендлар ҳисоблаш ва тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

4. Банк дивиденд сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) акциядорларнинг умумий мулкни максималлаштириш;
- 2) банк фаолиятини етарли даражада молиялаштириш.

5. Дивиденд – банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

II. ДИВИДЕНДЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6. Дивиденд тўловларига Банкнинг акциядорлари ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланадиган соф фойданинг қисми йўналтирилади.

7. Дивидендлар фақат жойлаштирилган, яъни муомалада бўлган акциялар бўйича молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра тўланади. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

8. Дивиденд миқдорини ҳисоблаш (молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра), тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг тавсиясига кўра акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар Банк Кенгаши томонидан тавсия қилинган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги

қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Шунингдек, давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланаётганда соф фойда тақсимоли амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилади.

9. Дивиденд миқдори ушбу тугалланган давр мобайнида Банкнинг молиявий фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Дивиденд тўловларига барча солиқ ва мажбурий тўловлар амалга оширилгандан ва банк фаолияти қайта инвестициялангандан сўнг банк ихтиёрида қоладиган фойданинг бир қисми йўналтирилади.

10. Йил якуни бўйича дивидендлар миқдори ва оралиқ даврларда тўланган дивидендлар ҳисобидан қоладиган фарқи акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади ва қонунчиликда белгиланган муддатларда умумий йиғилишдан сўнг тўлаб берилади.

11. Банк молиявий ҳисоботларининг ишончилиги ҳақидаги тегишли аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ҳамда капитални оширишга ажратмалар амалга оширилгандан сўнггина дивидендларни ҳисоблаш ва уларни тўлаб бериш мумкин.

Дивидендлар эҳтимолий йўқотишларни қоплаш резервлари шакллантирилгандан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига мувофиқ тузатишлар амалга оширилгандан сўнг тўланиши мумкин.

12. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини муқофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

тўлиқ ҳаққи тўланмаган акциялар бўйича;

Банк соф активларининг қиймати унинг устав ва захира (резерв) капиталлари суммасидан кам бўлганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс этирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

Банклар қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг розилигини олиши керак:

ушбу модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

13. Дивиденд олиш ҳуқуқига фақатгина дивиденд тўланиши тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган реестрда қайд этилган акциядорларгина эга.

14. Банк акциялар бўйича дивидендларни умумий йиғилиш қарори қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан тўлаб бериши шарт, бироқ Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки томонидан банкнинг фаолиятига ва (ёки) ахборот хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи таваккалчиликлар аниқланганда акциядорларга ёки қўшимча капитал воситаларини сақловчиларга дивидендлар ва субординар қарзлар бўйича фоизлар тўлашга доир чекловлар ва (ёки) тақиқлар қўлланилганда ушбу тақиқлар бекор бўлгунга қадар дивидендлар тўланиши тўхтатилиши мумкин.

15. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Банкнинг расмий веб-сайтларида қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилади.

16. Акциялар бўйича дивидендлар акциядорлар умумий йиғилиш қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Пул маблағлари кўринишидаги дивидендлар акциядор томонидан қайси валюта бирлигида бадал киритилганлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

17. Банк томонидан дивидендларни пул маблағлари билан тўлаш юзасидан тегишли кўрсатма (фармойиш) олинган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида дивидендлар акциядорларнинг тегишли ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан тўлаб берилади.

18. Дивидендлар бўйича солиқ ундирилиши ва солиқ имтиёзларининг қўланилиши дивиденд тўлаш вақтида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида олиб борилади.

III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

19. Фойданинг акциядорлар ўртасида тақсимланиши Ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва Банк Уставида кўзда тутилган тегишли чегирмалар ва капитализация бўйича чора-тадбирлар ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

20. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан оралик (молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, ушбу оралик дивидендларнинг ҳисоби амалга оширилади.

21. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида йиллик дивидендлар ҳисоби амалга оширилади.

Дивидендлар қуйидагича ҳисобланади:

$$\sum \partial = \frac{Ac * Hk * \%}{100}, \text{ бунда:}$$

$\sum \partial$ – дивиденд суммаси;

Ac – Банк акциядорлари реестри ёпилган кунга ҳақи тўлиқ тўланган акциялар сони;

Hk – Банк акцияларининг номинал қиймати;

$\%$ – Акциядорлар умумий йиғилишининг оралик дивидендларини ёки акциядорлар умумий йиғилишининг йиллик дивидендларини тўлаш тўғрисидаги қарорига асосан дивидендлар тўлаш бўйича фоиз ставкаси.

Йиллик дивидендларни тўлаб беришда тўлов миқдори тўланган оралик дивидендлар миқдорини чегирган ҳолда аниқланади.

IV. ДИВИДЕНДЛАРНИ ҲИСОБ КИТОБ ҚИЛИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

22. Акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларнинг ҳисобланиши қуйидаги ўтказмалар орқали акс эттирилади:

Оралиқ дивидендлар бўйича:

ДТ 31206 – Соф фойда (зарар)

КТ 29822 – Тўланиши лозим бўлган дивидендлар

Йиллик дивидендлар бўйича:

ДТ 31203 – Тақсимланмаган фойда

КТ 29822 – Тўланиши лозим бўлган дивидендлар.

23. Акциядорларга дивидендлар тўланаётганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

ДТ 29822 – Тўланиши лозим бўлган дивидендлар

КТ 20000 – Акциядорнинг тегишли ҳисоб рақами.

24. Акциядорларга ҳисобланган дивидендлар Банкнинг қўшимча акцияларини сотиб олишга йўналтирилиши мумкин. Бу ҳолда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

Оддий акцияларни сотиб олиш учун:

ДТ 29822 – Тўланиши лозим бўлган дивидендлар

КТ 30318 – Чиқарилган устав капитал – оддий акциялар – акциянинг номинал қийматига ҳамда,

КТ 30603 – Қўшилган капитал – номинал қийматидан юқори суммасига,

ёки

КТ 29830 – Акцияларга обуна маблағларини тўлаш бўйича депозитлар.